

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯРКУЛОВ АХРОР ЮЛДАШЕВИЧ**

**ПОЛИСАХАРИД-КРЕМНЕЗЕМ НАНОКОМПОЗИЦИЯЛАРНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 - Физик кимё**

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of doctor of science (DSc) dissertation abstract**

<b>Яркулов Ахрор Юлдашевич</b> Полисахарид-кремнезем наноконпозицияларнинг физик-химий хоссалари.....	3
<b>Яркулов Ахрор Юлдашевич</b> Физико-химические свойства наноконпозиций полисахарид- кремнезем.....	30
<b>Yarkulov Ahror Yuldashevich</b> Physico-chemical properties of nanocompositions of polisaccharide- silica.....	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	61

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯРКУЛОВ АХРОР ЮЛДАШЕВИЧ**

**ПОЛИСАХАРИД-КРЕМНЕЗЕМ НАНОКОМПОЗИЦИЯЛАРНИНГ  
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

**02.00.04 - Физик кимё**

**Кимё фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/K80 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифада [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) манзилига ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Акбаров Хамдам Икромович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рўзимурадов Олим Нарбекович**  
кимё фанлари доктори

**Эргашев Ойбек Каримович**  
кимё фанлари доктори

**Бекчанов Даврон Жумазарович**  
кимё фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

Самарқанд Давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_»\_\_\_\_\_2020 йил соат\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (+99871) 246-07-88; (+99871) 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.Т. Шарипов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби к.ф.д.

**М.Г. Мухамедиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда золь-гель жараёндан фойдаланиб нанозаррача, ғовакларининг ўлчамлари бошқариладиган наноғовак материаллар, юпқа наноўлчамли плёнкалар, ҳамда фазаларининг ўлчами нано соҳада шаклланган ноорганик-органик ва органик-ноорганик нанокомпозитларни олиш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун гибрид полисахарид-кремнезем нанокомпозитларнинг физик-кимёси, хусусан, сув ва бензолни адсорбциясидан олинган натижалар уларнинг термодинамик хоссалари ва текстурасини тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда мультikomпонент наноматериаллар синтезининг турли усуллари ишлаб чиқилган, золь-гель реакцияларида турли металл алкоголятларининг қўлланилиши аҳамиятли бўлиб, фрактал тузилишли ёки аниқ ўлчамдаги нанокомпозитлар олиш ва уларнинг тузилишини бошқариш учун темплатли синтез, ноёб хоссали ғовак наноматериаллар, кўп функцияли бионанокомпозицион сорбентлар, турли наномембраналар олиш, «тўр ичида тўр» ва «меҳмон-мезбон» ва «таркиб-тузилиш-хосса» ларни ўзаро боғлиқлиги ва наноматериалларнинг синтез қилиш бўйича муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда бу йўналишни ривожланишида янги турдаги материаллар ишлаб чиқаришда кўйидаги аниқ натижаларга эришилган: гибрид полисахарид-кремнезем наноматериалларни хоссалари, синтези ва тузилишлари тадқиқоти, юқори самарали ва юпқа қатламли хроматография учун сорбентлар, золь-гель технологиядан фойдаланган ҳолда турли газ сенсорларини олиш учун наногибрид материаллар синтези, электрокимёвий усулда турли оксилларни аниқлаш учун аминокислоталар тутувчи функционаллашган нанокомпозицион полимер-кремнезем сенсорли пленкалар яратиш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> «ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосида сорбентлар олиш учун гибрид органик-ноорганик нанокомпозицияларни синтезининг иқтисодий жиҳатдан самарали ва экологик тоза усулларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги №ПФ-5953-сонли «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришни Ҳаракатлар стратегияси» ҳақидаги Фармони ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>2</sup> Гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларни тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Kyoto University (Япония), Paris Technical Institut De Sciences Et Technologie, Paris Institute of Technology (Франция), Sandia National Laboratories, Albuquerque (Мексика), Department of Chemistry, University of Allahabad (Ҳиндистон), University of Eastern Finland (Финляндия), University of Aveiro, Campus de Santiago, (Португалия), Cellulose and Paper Department, National Research Centre (Миср), Institute of Nanotechnology at Karlsruhe Institute of Technology (Германия), Department of Immunology, National Center for Biotechnology Information (АҚШ), Institute of Materials Science (Испания), Universidad de Buenos Aires-UBA, (Аргентина), Россия фанлар академияси Узоқ Шарқ бўлимининг Кимё институти (Россия), Силикатлар кимёси институти (Россия), Россия кимё технологиялари университети, Фан ва таракқиёт ДУК (Ўзбекистон), Ўзбекистон Миллий университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларни олиш ва уларни амалиётга қўллашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: функционалштирилган, деградацияланиш жараёнини бошқариш мумкин бўлган полимер наноконпозициялар олинган (Institute of Nanotechnology at Karlsruhe Institute of Technology, Германия); нанодорилар ишлаб чиқариш технологияси яратилган (Tokyo Institute of Technology, Япония); янги полимер наноконпозицион материалларни олиш ва уларнинг сирт хоссалари аниқланган (University of Eastern, Финляндия); табиий биополимерлар, липидлар ва полисахаридлардан тузилган композициялар асосида наноўлчамга эга доривор воситалар ишлаб чиқилган (SRM University, Ҳиндистон); биожараёнларни танувчи истиқболли матрицалар сифатида биотиббиде қўллаш учун хитозан, целлюлоза ва крахмал асосида полисахарид-кремнезем наноконпозициялари олинган (University of Utah, АҚШ), гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материаллар олишининг янги усуллари ишлаб чиқилган (Россия фанлар академияси Узоқ Шарқ бўлимининг Кимё институти Владивосток, Россия), гибрид

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотларнинг таҳлили [www.dissercat.com](http://www.dissercat.com), <http://www.fundamental-research.ru> ва бошқа манбалардан фойдаланиб тайёрланди.

полисахарид-кремнезем наноконпозицион материаллар синтез қилишнинг янги золь-гель усуллари ишлаб чиқилган (Ўзбекистон).

Дунёда янги гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларни синтези, улардан самарали адсорбентлар, тиббиётда, техникада, ва халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: золь-гель усули бўйича темплат иштирокида керакли наноқовакларга эга бўлган гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларни мақсадли синтез қилиш, юқори самарали ва юпқа қатламли хроматография учун сорбентлар олишни такомиллаштириш, сувсиз золь-гель усулида гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозиционларни олиш, синтез қилинган бирикмалар асосида янги юқори самарали сорбент воситалари ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижнинг қатор етакчи илмий марказларида гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларни синтези бўйича илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ahmed Salama, Sónia Sequeira, Vandana Singh, Arnaud Demilecamps, Hua Zou, Clément Sanchez, C.J. Brinker, G.W. Scherer, Daniel Elieh-Ali-Komi, И.В. Гребенщиков, В.Я. Шевченко, О.А. Шилова, А.Д. Помогайло, И.П. Суздалев, П.Д. Шабанова, Ю.А. Щипунов, А.И. Суворова, И.В. Бакеева тадқиқотларида ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратилган.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларни сув ва бензол буғи билан сорбцияланишининг тўлиқ механизми бўйича тизимли тадқиқотлар ўтказилмаган. Ahmed Salama, А.И. Суворова, П.Д. Шабанова, Ю.А. Щипунов каби олимларнинг ишлари золь-гель усулида гибрид наноконпозицияларнинг синтезини тадқиқотига бағишланган.

Ўзбекистонда бу йўналишдаги илмий тадқиқотлар Х.У. Усманов, К.С. Ахмедов, С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, Р.С. Тиллаев, С.А. Ташмухамедов, У.Н. Мусаев, Б.Дж. Кабулов, О.Н. Рўзимуратовлар томонидан олиб борилган. Натижада органик-ноорганик гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларни самарали синтез қилиш усуллари яратилган, шунингдек, олинган бирикмаларни хроматографияда қўллаш орқали янги маълумотлар билан бойитилган. Аммо эритувчиларни сорбцияланиш жараёнини механизмлари ва уларни тўлиқ термодинамик ва физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁФ7-2 «Полисахаридлар концентрланган эритмалари ва улар асосидаги композицияларни термодинамик хоссалари» (2014-2015 йй.), ОТ-7Ф-52 «Кўп компонентли полимер ва полимер-кремнезем наногибрид системаларнинг термодинамик хоссалари» (2012-2016 йй.), ОТ-7Ф-54 «Нанотузилишли фоваксимон ва полимер-кремнезем гибрид наноконпозицион материаллар ҳосил бўлишининг физик-кимёвий

конуниятлари ва механизмлари» (2017-2020 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** золь-гель усулида олинган гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларнинг термодинамик ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маълум таркибли механик полимер-полимер аралашмалари билан гибрид наноконпозицион материалларни физик-кимёвий хоссаларини таққослаб улардаги ўзига хосликни аниқлаш;

турли термодинамик назариялар ҳамда Цимм-Ландбергнинг кластерланиш функцияси ва Де Бур-Цвикер назариялари асосида сув ва бензолнинг гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларидаги ҳолатини аниқлаш;

гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларни прецизион адсорбцион-калориметрик тадқиқотлар ёрдамида сорбция механизминини ва уларнинг тўлиқ термодинамик тавсифини аниқлаш;

сорбция жараёнларига мос келувчи микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН) тенгламаларини ишлаб чиқиш;

гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларда сув ва бензол буғларини адсорбциясининг термокинетикасини аниқлаш;

гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларда «синтез-тузилиш-хосса» ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

синтез қилинган полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларни табиий объектларда синаб кўриш ва амалиётга қўллаш.

**Тадқиқот объекти** диацетатцеллюлоза, хитозан, гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозициялар, ҳамда уларнинг мос таркибли аралашмалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозициялардаги таъсирлашув термодинамикаси ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Ишни бажариш учун изотермик сорбция, прецизион адсорбцион калориметрия, ИҚ-спектроскопия, рентгенофаза анализ, импульсли ЯМР, термик анализ (ТГ, ДТГ, ДТА), электрон микроскопия (СЭМ, АКМ), ҳамда турли термодинамик назариялардан фойдаланилди.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор прецизион адсорбцион-калориметрик усул билан олинган тажриба маълумотлари, микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясининг икки ва уч аъзоли тенгламаларини қўллаб олинган назарий маълумотлар билан мос келиши аниқланган;

илк бор прецизион адсорбцион-калориметрик усул билан олинган сорбцияланиш бўйича гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларнинг термодинамик функциялари аниқланган;



гибрид полисахарид-кремнезем нанокomпозицияларда «синтез-тузилиш-хосса» ўзаро боғлиқлиги ва муайян ғовак тузилишли ҳамда солиштирма сиртли наноматериалларни синтез шароитлари аниқланган;

гибрид полисахарид-кремнезем нанокomпозитларда сув ва бензол буғлари адсорбциясининг термокинетикаси орқали адсорбцион мувозанат вақти аниқланган;

илк бор гибрид полисахарид-кремнезем нанокomпозицион материалларда адсорбатлар адсорбцияси юқори иссиқлик билан кузатилиши ва интеграл ўртача моляр энтропиянинг қиймати кескин камайиши аниқланган;

статик шароитда ДАЦ-кремнезем нанокomпозицион сорбцион гибрид материалларининг кадмий (II), симоб (II) ва қўрғошин (II) ионлари сорбциясини қонуниятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокomпозицияси карбонат ангидрид, аммиак, водород ва олтингугурт (IV) оксиди каби турли газларга сенсор сифатида қўлланилган;

гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокomпозицион материаллар оқава сувларни оғир металллар ионларидан тозалашда қўлланилган;

нанокomпозицион гибрид полисахарид-кремнезем материаллар турли хил органик бирикмаларнинг изомерларини ажратиш учун юпқа қатламли хроматография учун кўзғалмас фаза сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Асосий илмий фикрлар, хулосалар изотермик сорбция, прецизион адсорбцион-калориметрия, ИҚ-спектроскопия, рентгенофазали анализ, импульсли ЯМР, термик анализ (ТГ, ДТГ, ДТА), электрон микроскопия (СЭМ, АКМ) каби замонавий физик-кимёвий усуллар, ҳамда замонавий термодинамик назариялардан фойдаланган ҳолда асосланган. Диссертациядаги хулосаларга тажрибалардан олинган натижаларни физик-кимёвий тадқиқотлар асосида назарий қайта ишлаш билан келинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гибрид полисахарид-кремнезем нанокomпозицияларнинг сув ва бензол буғи билан сорбцияланишининг тўлиқ термодинамик функциялари қийматларини ва физик-кимёвий механизмларини ўрнатиш ҳамда олинган назарий натижаларни физикавий кимё, коллоид ва нанокимё курсларида маълумотнома материаллари сифатида ҳамда гибрид нанокomпозицияларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гибрид полисахарид-кремнезем нанокomпозицион сорбентларни қўллаб оқава сувларни оғир захарли металл ионларидан тозалаш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади ҳамда олинган тажрибавий ва назарий натижалар университетларни бакалаврият ва магистратура талабалари учун

Ўқитиладиган физик кимё мутахасислик курсларида қўлланма материал сифатида қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион сорбентлар ёрдамида спектроскопик усулда оғир захарли металлларни ажратиш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

золь-гель технологияси орқали олинган диацетатцеллюлоза-кремнезем асосидаги гибрид наноконпозицион сорбентлар ёрдамида симоб (II), кадмий (II), ва қўрғошин (II) ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усуллари “Дехқонобод калийли ўғитлар заводи” МЧЖ амалиётига жорий этилган (“Дехқонобод калийли ўғитлар заводи” МЧЖнинг 2017 йил 11 сентябрдаги №781/09-з-сон маълумотномаси). Натижада оғир захарли металл ионларини тозалашнинг самарали услубини яратиш имконини берган;

золь-гель технологияси усули орқали олинган полимер-кремнезем системаси асосидаги гибрид наноконпозицион сорбентлар ёрдамида оғир захарли металл ионларини аниқлашнинг сорбцион-спектроскопик усуллари “Электрокимё заводи” АЖ амалиётига жорий этилган. (“Электрокимё заводи” АЖнинг 2016 йил 12-декабрдаги №529-сон маълумотномаси). Натижада гальваник жараёнлардан ҳосил бўладиган саноат оқава сувларни оғир захарли металл ионларидан тозалаш имконини берган;

Аргентина Сан Мартин Миллий университетининг «Наноконпозит полимер-кремнезем юпқа плёнкаларига сув буғининг адсорбцияси» номли илмий тадқиқотида янги полимер-кремнеземларни физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда фойдаланилган (Buenos Aires, Argentina, Сан Мартин Миллий университети 2017 йил 1 февралдаги маълумотномаси). Натижада полимер-кремнезем адсорбцион материалларнинг термодинамик тавсифлаш имконини берган;

гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларининг физик-кимёвий хоссаларидан А-12-57 рақамли «Нанодисперс кремнезем олишнинг золь-гель технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада золь-гель усулида нанодисперс кремнеземни олинишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 январдаги №89-04-259-сон маълумотномаси). Натижада золь-гель усули бўйича синтез қилинган нанодисперс аморф кремнеземни термодинамик ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 33 та, жумладан, 4 та халқаро ва 29 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола республика ва 6 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 195 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларнинг физик-кимёвий хоссалари»** деб номланган биринчи бобида охириги йилларда эълон қилинган маълумотлар таҳлил қилинган. Бу бобнинг маълумотларидан кўринадикки, сўнгги вақтларда гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицияларни золь-гель синтези бўйича кўплаб илмий ишлар эълон қилинган. Гибрид наноконпозициялар олишнинг йўллари, уларнинг физик-кимёвий ва термодинамик хоссаларининг тадқиқоти натижалари кўрсатилган. Адабиётларни таҳлил қилиш мазкур ишнинг мақсади, вазифалари ва объектларини асослашга имкон берди.

Диссертациянинг иккинчи **«Золь-гель технология асосида гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозицион материалларни олиш ва уларнинг тадқиқот усуллари»** бобида гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем ва хитозан-кремнезем наноконпозицияларни тайёрлаш усуллари, диссертацияда қўлланилган изотермик сорбция, прецизион адсорбцион калориметрия каби тадқиқот усуллари ҳамда вакуумли адсорбцион-калориметрик ускунанинг ўзига хослиги, афзалликлари келтирилган. Микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН) асосидаги ҳисоб-китобларнинг усуллари тушунтирилган. Термодинамик тадқиқотларнинг натижалари қуйидаги физик ва физик-кимёвий усуллар билан тасдиқланди: ИК-спектроскопия, рентгенофазоли анализ, импульсли ЯМР, термик анализ (ТГ, ДТГ, ДТА), электрон микроскопия (СЭМ, АКМ). Тадқиқотнинг объектлари сифатида диацетатцеллюлоза, хитозан, гибрид полисахарид-кремнезем наноконпозициялар, ҳамда уларнинг мос таркибли аралашмалари танлаб олинди.

Диссертациянинг учинчи **«Диацетатцеллюлоза-кремнезем гибрид наноконпозицияларда таъсирлашиш термодинамикаси»** боби ДАЦ-кремнеземни механик аралашмалари ва гибрид наноконпозицияларини қиёсий термодинамикаси, наноконпозицияларнинг ҳамда адсорбцион-калориметрик тадқиқотлари натижаларини муҳокамасига бағишланган.

Диссертациянинг учинчи бобининг **«Диацетатцеллюлоза-кремнеземни механик аралашмалари ва наноконпозицияларидаги**

**таъсирлашиш термодинамикасини қиёсий тадқиқотлари»** деб номланган биринчи қисмида гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокөмпозициялар ва уларнинг аралашмаларини сув ва бензол билан таъсирлашишни термодинамик анализи ўтказилган. ДАЦ-кремнезем-эритувчи системасининг термодинамик барқарорлигини миқдорий баҳолаш учун полимер-эритувчи аралашининг ўртача эркин энергияси  $\Delta g^m$ , эритувчи  $\Delta \mu_1$  ва полимернинг  $\Delta \mu_2$  кимёвий потенциаллари асосида ҳисоб-китоб қилинди ҳамда  $\Delta g^m$  ни концентрацияга боғлиқлиги бўйича бошланғич полимерлар ва турли таркибли аралашмалар учун Гиббс энергияси  $\Delta G_i$  топилди. Олинган Гиббс энергияси функциясининг қийматлари манфий қийматларида бўлиши аралашма компонентлари ва нанокөмпозиция сувда эриши жараёнининг ўз-ўзидан содир бўлиши ҳамда ўрганилган намуналарнинг эритувчига мойиллиги яхши эканлигидан далолат беради. ДАЦ-кремнезем-бензолда эса Гиббс энергиясини  $\Delta G_i$  нисбатан манфий қиймати гибрид 10:90 ва 10:90+ЛК нанокөмпозициялари учун кузатилади.

Браунауэр-Эммет-Теллер (БЭТ) усули бўйича ўрганилган намуналарнинг капилляр-ғовак тузилиши аниқланди. Механик аралашмаларни гибрид нанокөмпозициялар билан таққосланганда барча механик аралашмалар учун моноқават сифими ва солиштирма сиртларни қиймати гибрид нанокөмпозицияларга нисбатан юқорилиги аниқланди.

Цимм-Ландберг ва Де Бур-Цвикернинг адсорбцион назарияси сув буғлари сорбциясининг механизми ҳақида маълумот беради ва полимер томонидан сув буғларини ютилиш жараёнида сув молекулаларининг кластерлар ҳосил бўлиши мойиллигини баҳолаш имконини беради. ДАЦ-кремнезем-сув гибрид нанокөмпозицион система учун кластерлар ҳосил бўлиш функцияси  $P_i/P_i^0 > 0,5-0,65$  сув буғлари фаоллигида мусбат соҳага ўтиши бу соҳада кластерлар ҳосил бўлиши бошланишидан далолат беради. ДАЦ-кремнезем (40:60) ва ДАЦ-кремнезем (40:60)+ЛК нанокөмпозициялари учун изотерма нисбий босимнинг барча соҳаларида чизиқли кўринишга эга ҳисобланади.


Диссертациянинг учинчи бобининг «**Гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокөмпозицияларни сув билан адсорбцияланиш ва термодинамик хоссалари**» номли иккинчи бўлимида таъкидланадики, темплат (ЛК) иштирокида синтез қилинган ДАЦ-кремнеземни компонентларини нисбати 50:50 бўлган гибрид нанокөмпозицион материаллар учун ярим логарифмик координаталарни, паст босимларида  $P/P^0=0.02-0.03$  эгри чизиқ билан тасвирланиши кучли таъсирлашувчи адсорбцион марказлар мавжудлигидан далолат беради. Сувни гибрид нанокөмпозицион материалларда адсорбция изотермаси МХТНнинг уч аъзоли тенгламаси орқали яхши ифодаланади:

$$a = 0,626 \exp[-(A/11,99)^3] + 1,033 \exp[-(A/6,63)^3] + 1,380 \exp[-(A/1,93)]$$


Бу тенглама бўйича ҳисоблаб топилган қийматлар тажриба натижалари билан яхши мос келади. Гибрид нанокөмпозицияларни ғоваксимон тузилишининг сув молекулалари билан тўйинишига боғлиқлигини адсорбциянинг мувозанат қарор топиш вақтини ( $\tau$ ) тадқиқ этиш шуни

кўрсатдики, биринчи сув молекуласининг адсорбцияси секинлашган ва бунда адсорбцион мувозанат қарор топиш вақти  $\sim 4,5$  соатгача етади. Кейинчалик мувозанат  $\sim 1,5$  соатда қарор топади.

Гибрид ДАЦ-кремнезем нанокompозитига сувни адсорбцияланиш дифференциал иссиқликлари билан адсорбция изотермаси тўлиқ мос келади, худди 1-расмда кўрсатилганидек. Адсорбция иссиқлигини аниқлаш бўйича тажрибавий маълумотлар шуни кўрсатадики, бу системада жуда кучли энергетика мавжуд экан. Сувни ДАЦ-кремнезем материалларда адсорбцияланиш иссиқлигини эгриси зинасимон кўринишга эга, унда миқдори  $0,52$  ммоль/г га тенг булган гидрофиль марказлар бор экан, унга сув жуда юқори  $120$  кЖ/моль га тенг бўлган иссиқлик билан адсорбцияланади.



**1-Расм.** 303 К да гибрид диацетат-целлюлоза-кремнезем нанокompозицион материалларга сувни адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрихланган чизик - сувни конденсация иссиқлиги.



**2-Расм.** 303 К да гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокompозицион материалларга сувни адсорбциясининг энтропияси: горизонтал штрихланган чизик - ўртача моляр интеграл энтропия. Суяқ сувнинг энтропияси нолга тенг деб қабул қилинган.

Адсорбциянинг дифференциал энтропияси адсорбат молекулаларининг адсорбентга ютилиш давомидаги ҳаракатини ифодалайди. Гибс-Гельмгольц тенгламаси бўйича ДАЦ-кремнезем гибрид нанокompозицион материалларда сувни адсорбциясини дифференциал моляр энтропияси ҳисобланди (расм.2). Дифференциал моляр энтропия эгриси шуни кўрсатдики, сувнинг юзадаги ҳолати музсимон. Юзада адсорбцияланган, сув адсорбциясининг интеграл ўртачамоляр энтропияси  $-70,3$  Ж/моль·К га тенг. Бу қиймат шуни кўрсатадики, гибрид нанокompозитига адсорбцияланган сув молекулаларини ҳаракати кучли тўхтаб қолган.


Шундай қилиб, сувни гибрид ДАЦ-кремнезем нанокompозитига адсорбцияланиши, қиймати  $0,52$  ммоль/г га тенг бўлган тўртта гидрофиль марказларига адсорбцияланар экан. Гибрид ДАЦ-кремнезем нанокompозияси мураккаб тузилишни ташкил қилиши билан бирга кўплаб ҳар хил гуруҳларга эга ҳисобланади. Бу гуруҳлар фаол марказлар бўлиб хизмат қилади ва АКМ микросуратларида кўрсатилганидек, гибрид нанокompозияси қаватлардан иборат экан ва ҳар бир қават сув учун  $0,52$  ммоль/г га тенг бўлган фаол марказларга эгадир. Назарияга мувофиқ адсорбция аввал анча фаол бўлган

марказларга, яъни аниқроғи  $a=0,52$  ммоль/г гача содир бўлади. Кейин адсорбция нисбатан заифроқ бўлган гидрофилъ марказларда кузатилади, яъни  $0,52-2,04$  ммоль/г га тенг бўлган ораликда кечади, гидрофилъ марказлари ва сув ўзаро таъсирлашиб водород боғларини ҳосил қилади, кейинчалик сув кластерларни ҳосил қилиши билан конденсацияланиши кетади.


Диссертациянинг учинчи бобининг «Гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокөмпозицияларни бензол билан адсорбцияланиш ва термодинамик хоссалари» номли учинчи бўлимида компонентлари 50:50 нисбатда бўлган, темплат (ЛК) иштирокида синтез қилинган ДАЦ-кремнезем гибрид нанокөмпозицион материалларда ярим логарифмик координаталарда бензолни адсорбцияланиш изотермасини термодинамик тадқиқотига бағишланган бўлиб, у жуда паст босимларда  $P/P^0=0,00073$ ,  $(\ln P/P^0=-7.22)$  эгри чизик билан ифодаланиши кучли таъсирлашувчи адсорбцион марказлар мавжудлигини англатади. Бензолни гибрид нанокөмпозицион материалларда адсорбция изотермаси МХТНнинг икки аъзоли тенгламаси орқали яхши ифодаланади:

$$a = 0,639 \exp [-(A/11,99)^2] + 0,299 \exp [-(A/2,84)^2]$$

Бу тенглама бўйича ҳисоблаб топилган қийматлар тажриба натижалари билан яхши мос келади. Адсорбат-адсорбент соҳаси шакиллангунча адсорбцияланишни мувозанат вақти ўрнатилишига  $\sim 3,44$  соатгача етади. Кейинчалик термокинетика эгриси худди иссиқлик ва изотерма эгрилари каби тўлқинсимон ўзгаради ва мувозанат  $\sim 0,30$  соатда қарор топади, бу унда тўлиқ адсорбцияланган бензол молекулалари билан адсорбцион ҳажмда сақланиб қолган буғсимон ҳолатдаги молекулаларни таъсирлашувига боғлиқдир.



3-расм. 303 К да гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокөмпозицион материалларга бензолни адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрих чизик – бензолни конденсация иссиқлиги.



4-расм. 303 К да гибрид диацетатцеллюлоза-кремнезем нанокөмпозицион материалларга бензолни адсорбциясининг энтропияси: горизонтал штрих чизик – ўртача моляр интеграл энтропия; суюқ бензолнинг энтропияси нолга тенг деб қабул қилинган.

Адсорбциянинг дифференциал иссиқликлари билан адсорбция изотермаси тўлиқ мос бўлади. 91,30 кЖ/мольдан то конденсация

иссиқлигигача ўзгарувчи,  $Q_d$  эгрисидаги қисмларни мос равишда 5 та зиналарга бўлиш мумкин (расм.3).

Адсорбциянинг дифференциал иссиқликларидан кўринадики, ҳар бир шартли равишда номланган зиналарнинг ёйиқлиги  $\approx 0,2$  ммоль/г га, яъни нанокөмпозитдаги бензолни гидрофоб марказлари сонидир. Адсорбция изотермаси ва дифференциал иссиқликлари эгриларини мураккаб тавсифи улар адсорбат ва адсорбент, ҳамда ўзаро адсорбатлар ўртасидаги адсорбцион таъсирлашувларнинг нозик томонларини кўрсатади.

Адсорбция изотермаси ва адсорбциянинг дифференциал иссиқликларини прецизион қийматларидан фойдаланиб, Гиббс-Гельмгольд тенгламаси бўйича ДАЦ-кремнезем нанокөмпозицион материалларда бензол адсорбциясини дифференциал моляр энтропияси ( $\Delta S_d$ ) ҳисобланди (4-расм). 4-расмдан кўринадики, барча энтропия эгриси суюқ бензолни энтропиясидан пастда жойлашган ва нанокөмпозицияни тўлиши билан тўлқинсимон ўсиб боради. Адсорбция 0,019-0,106 ммоль/г га тенг бўлганда, бензолни ДАЦ-кремнезем нанокөмпозитига адсорбцияланиш энтропияси бошланғич соҳада -114,70 дан то -7,02 Ж/моль·К гача кўтарилади, бунда энтропия минимал қийматга эга бўлади. Кейинчалик энтропия тўлқинсимон ўзгаради, тўйиниши билан суюқ бензол энтропияси томонга қайта эгилади. Адсорбциянинг интеграл ўртачамоляр энтропияси (-33,94 Ж/моль·К) қаттиқ бензол энтропиясидан анча пастлиги бензолни нанокөмпозит ғовақларида тўхтаб қолган ҳолатда эканлигини кўрсатади. ДАЦ-кремнезем учун интеграл ўртачамолярли энтропиянинг қиймати шуни кўрсатадики, адсорбцияланган бензол молекулаларини ҳаракатчанлиги гибрид ДАЦ-кремнезем нанокөмпозитида тўхтаб қолган ҳолатда экан.

Диссертациянинг «Хитозан-кремнезем гибрид нанокөмпозицияларда таъсирлашиш термодинамикаси» сарлавҳали тўртинчи боби хитозан-кремнеземни механик аралашмалар ва гибрид нанокөмпозицияларни қиёсий тадқиқотига, ҳамда нанокөмпозицияларнинг адсорбцион-калориметрик тадқиқотлари натижаларининг муҳокамасига бағишланган.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Хитозан-кремнеземни механик аралашмалари ва нанокөмпозицияларидаги таъсирлашиш термодинамикасини қиёсий тадқиқоти» деб номланган биринчи бўлимида бошланғич хитозан ва кремнезем, уларнинг механик аралашмаси ҳамда хитозан-кремнезем нанокөмпозицияларида сув ва бензол буғларининг сорбцияси ўрганилган. Сув ва бензол буғларининг бошланғич хитозан, кремнезем ва уларнинг турли композицион таркибли механик аралашмаларида сорбция изотермаси S-симон кўринишга эга. Хитозанни миқдори ортиши билан сорбцион қобилиятнинг камайиши бошланғич хитозанни сорбцион қобилияти бошланғич кремнеземни сорбцион қобилиятидан нисбатан пастлигига боғлиқ бўлиши мумкин.

Концентрацион боғлиқлик  $\Delta G^m$  бўйича топилган Гиббс энергиясининг  $\Delta G_i$  абсолют қийматлари ўрганилган механик аралашмаларда хитозан миқдорининг ортиши билан мос равишда ортади. Хитозан-кремнезем-бензол системаси учун хитозан миқдорининг ортиши билан гибрид

нанокомпозициялар учун  $\Delta g^m$  ва  $\Delta G_i$  кичик манфий қийматларни қабул қилиши, бу гидрофоб таъсирлашувлар ортиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

БЭТ усули бўйича сорбция изотермаси асосида ўрганилган намуналарнинг капилляр-ғовак тузилишлари ҳисобланди. Дастлабки компонентлар билан таққосланганда механик аралашмаларни моноқаватлар сифими ва солиштирма сиртини қиймати камаяди, ғовакларнинг ҳажмий йиғиндиси бир-бирига яқин қийматга эга ва ғовак радиуслари катталашмоқда. Сувни сорбцияси тадқиқотининг натижалари кўрсатадики, гибрид хитозан-кремнезем-сув даги моноқаватлар сифими ва солиштирма «сув» сиртини камайиб бориш тартибида қуйидаги қаторда жойлаштириш мумкин: хитозан; хитозан-кремнезем 50:50; 40:60; 30:70; 80:20; 70:30; 60:40. Бензол буғлари сорбциясининг натижалари кўрсатдики, хитозан-кремнезем нанокомпозициялар намуналари учун уларнинг моноқаватлар сифими ва «чин» солиштирма сиртини камайиб бориш тартибида қуйидаги қаторда жойлаштириш мумкин: 20:80; 40:60; 50:50; 60:40; 80:20.

Қутбли сорбентларнинг қутбли сорбатлар билан таъсирлашув жараёнларини тасвирлаш учун ишлаб чиқилган Де Бур ва Цвикер адсорбцион назарияси хитозан-кремнезем-сув композицион системаси ҳолати учун ишлатилиши мумкин. У сувнинг ҳам адсорбцион, ҳам абсорбцион механизм бўйича боғланган жараёнлари учун қўлланилади. Дастлабки хитозан, 50:50 нисбатдаги хитозан-кремнезем аралашмалари ва гибрид хитозан-кремнезем нанокомпозициялари учун нисбий босим 0,8 гача изотермалар чизиқли ҳисобланиб, бу кўрсатилган фаол соҳаларда эркин сув йўқлигини, у полимернинг фаол гуруҳларига сорбцияланганлигини англатади. Де Бур ва Цвикер назарияси тасаввурларига мос равишда бу шуни англатадики, фаолликларнинг кўрсатилган соҳаларида 30:70, 60:40 таркибли нанокомпозицияларда эркин сув йўқ, унинг барчаси фаол гуруҳларга сорбцияланган. Хитозан-кремнезем нанокомпозицион системаси учун кластерлар ҳосил қилиш функциясининг қиймати  $P_i/P_i^0=0,45$  бўлганда сув буғлари фаоллигида мусбат соҳага ўтиши, бу соҳада кластерлар ҳосил бўлиши бошланишидан далолат беради. 40:60 ва 80:20 нанокомпозициялар учун сув буғларининг ўртача нисбий босимларида кластер ҳосил бўлиш функциясининг манфий қийматлари кузатилиб, бу сув молекулаларининг макромолекулалар билан яхши таъсирлашишидан далолат беради. Нисбий босимни кичик соҳаларида кластер ҳосил бўлиши сув-сув водород боғлари ҳосил бўлиши билан боғлиқ.

Сорбция кинетик эгриларининг бошланғич соҳалари бўйича барча ўрганилган намуналар учун сувнинг диффузия коэффиценти  $D_{эфф}$  ҳисобланди. Нанокомпозициялар ва бошланғич хитозан учун  $\phi_s=0,02-0,03$  да диффузия қиймати максимум орқали ўтади, демак, нанокомпозиция тузилишини ғоваклашуви содир бўлади.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Гибрид хитозан-кремнезем нанокомпозицияларни сув билан адсорбцияланиш ва термодинамик хоссалари» сарлавҳали иккинчи бўлимида хитозан-кремнезем гибрид нанокомпозицион материалларда ярим логарифмик координаталарда сувни




адсорбциясининг тадқиқот натижалари келтирилган. Хитозан-кремнезем гибридинанокмпозицион материалларда сувни адсорбциясининг изотермаси паст босимлардаги  $P/P^0=0,075\approx 0,088$  эгри чизик билан ифодаланиши кучли таъсирлашувчи адсорбцион марказлар мавжудлигидан далолат беради. Сувни гибридинанокмпозицион материалларда адсорбция изотермаси МХТНнинг уч аъзоли тенгламаси ёрдамида яхши ифодаланеди:


$$a = 0,375 \exp[-(A/10,5)^2] + 0,829 \exp[-(A/5,64)^5] + 1,755 \exp[-(A/1,15)]$$

Бу тенглама бўйича ҳисоблаб топилган қийматлар тажриба натижалари билан яхши мос келади. Адсорбат-адсорбент соҳаси шакиллангунча адсорбцион мувозанат қарор топиш вақти секинлашган ва у  $\sim 8,9$  соатгача етади. Гидрофиль марказлардаги адсорбцион мувозанат ўртача  $\sim 2$  соатда қарор топади. Кейинчалик термокинетика эгриси ҳудди изотерма ва иссиқлик эгриси каби тўлқинсимон ўзгаради ва охирида мувозанат  $\sim 30$  минутда қарор топади.

Гибрид хитозан-кремнезем нанокмполитига сувни адсорбцияланиш дифференциал иссиқликлари билан адсорбция изотермаси тўлиқ мос келади, ҳудди 5-расмда келтирилгандек. Бундан кўринадики, келтирилган эгри мураккаб зинасимон кўринишга эга. Сувни хитозан-кремнезем материалга адсорбцияланиш иссиқлигининг эгриси зинасимон кўринишга эга, унда гидрофиль марказлар мавжудлигини кўрсатади ва унинг миқдори  $0,34$  ммоль/г га тенг, унга  $97,20$  кЖ/моль га тенг бўлган жуда юқори иссиқлик билан сув адсорбцияланади.  $97,20$  кЖ/моль дан конденсация иссиқлигигача ўзгарувчи,  $Q_d$  эгрисини ундаги зиналарга мос равишда иссиқликни 7 қисмга бўлиш мумкин.



**5-расм.** 303 К да гибридинанокмпозицион материалларга сувни адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрихланган чизик - сувни конденсация иссиқлиги.



**6-расм.** 303 К да гибридинанокмпозицион материалларга сувни адсорбциясининг энтропияси: горизонтал штрихланган чизик - ўртача моляр интеграл энтропия. Суюқ сувнинг энтропияси нолга тенг деб қабул қилинган.

Гиббс-Гельмгольд тенгламаси бўйича хитозан-кремнезем гибридинанокмпозицион материалларида сувни адсорбциясини дифференциал моляр энтропияси ( $\Delta S_d$ ) (суюқ сувнинг энтропияси нолга тенг деб қабул қилинди) ҳисобланди. 6-расмдан кўринадики, бутун энтропия эгриси суюқ

сувни энтропияси даражасидан пастда жойлашади ва нанокөмпозития тўлиб бориши ортиши билан тўлқинсимон ўсиб боради. Адсорбция 0,02-0,49 ммоль/г га тенг бўлганда, сувни хитозан-кремнезем нанокөмпозитига адсорбцияланиш энтропияси бошланғич соҳада -206 дан -79 Ж/моль·К гача кўтарилади, бунда энтропия минимал қийматга етади. Кейинчалик энтропия тўлқинсимон кўтарилади, суюқ сув энтропиясини 3,14 ммоль/г да кесиби ўтади ва тўйинади. Адсорбциянинг интеграл ўртачамоляр энтропияси (-46,64 Ж/моль·К) суюқ сув энтропиясидан анча паст бўлиши, бунда ҳам сувни нанокөмпозит ғовакларига тўхтаб қолган ҳолатда эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «**Гибрид хитозан-кремнезем нанокөмпозитияларни бензол билан адсорбцияланиш ва термодинамик хоссалари**» сарлавҳали учинчи бўлими гибрид хитозан-кремнезем нанокөмпозитион материалларга бензол адсорбциясининг тадқиқотига бағишланган. Хитозан-кремнезем гибрид нанокөмпозитион материалларда бензол адсорбциясининг изотермаси нисбатан юқори босимларда  $P/P^0=0,436\approx 0,44$  эгри орқали ифодаланиши ўзаро таъсирлашувчи адсорбцион марказлар борлигини кўрсатади. Кейинчалик изотерма босим ортиши билан то  $P/P^0=0,97$  гача чизикли равишда юқорига тўйингунича 1,05 ммоль/г гача кўтарилади. Бензолни гибрид нанокөмпозитион материалларда адсорбциясини изотермаси МХТНнинг икки аъзоли тенгламаси орқали яхши ифодаланади:


$$a = 0,340 \exp[-(A/11,32)^2] + 0,706 \exp[-(A/2,03)^2]$$

Бу тенглама бўйича ҳисоблаб топилган қийматлар тажриба натижалари билан яхши мос келади. Адсорбат-адсорбент соҳаси шакиллангунча адсорбцион мувозанат қарор топиш вақти секинлашган ва  $\sim 3,36$  соатгача етади. Биринчи гидрофоб марказда (3 бирлик) адсорбцион мувозанат ўртача  $\sim 2,33$  соатда, иккинчи марказда эса  $\sim 0,44$  соатда қарор топади. Кейинчалик гидрофоб марказлардаги адсорбцион мувозанат ўртача  $\sim 0,6$  соатда қарор топади.


Гибрид хитозан-кремнезем нанокөмпозитига бензолни адсорбцияланиш дифференциал иссиқликлари билан адсорбция изотермаси тўлиқ мос келади, худди 7-расмда келтирилгандек. Бензол хитозан-кремнезем материалга, 95,90 кЖ/моль га тенг бўлган жуда юқори иссиқлик билан адсорбцияланади, унда гидрофоб марказлар борлигини кўрсатади, бензолни адсорбцияланиш иссиқлик эгриси зинасимон кўринишга эгадир. 95,90 кЖ/моль дан конденсация иссиқлигигача ўзгарувчи,  $Q_d$  эгрисини ундаги зиналарга мос равишда иссиқликни 3 қисмга бўлиш мумкин.

Гиббс-Гельмгольц тенгламаси бўйича хитозан-кремнезем гибрид нанокөмпозитион материалларда бензол адсорбциясининг дифференциал моляр энтропияси ( $\Delta S_d$ ) (суюқ бензолни энтропияси нолга тенг деб қабул қилинди) ҳисобланди. 8-расмдан кўринадики, бутун энтропия эгриси суюқ бензолни энтропияси даражасидан пастда жойлашган ва нанокөмпозития тўлиб бориши ортиши билан тўлқинсимон ўсиб боради. Адсорбция 0,008-0,043 ммоль/г бўлганда, бензолни хитозан-кремнезем нанокөмпозитига

адсорбциясининг энтропияси бошланғич соҳада  $-119,0$  дан  $-21,21$  Ж/моль·К гача кўтарилади, бунда энтропия минимал қийматга етади.



7-расм. 303 К да гибрид хитозан-кремнезем нанокөмпозицион материалларга бензолни адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрихланган чизик - бензолни конденсация иссиқлиги.



8-расм. 303 К да гибрид хитозан-кремнезем нанокөмпозицион материалларга бензолни адсорбциясининг энтропияси: горизонтал штрихланган чизик - ўртача моляр интеграл энтропия. Суюқ бензолнинг энтропияси нолга тенг деб қабул қилинган.

Кейинчалик энтропия тўлқинсимон ортиб боради, суюқ бензол энтропиясини  $1,05$  ммоль/г да кесиб ўтади. Адсорбцияни интеграл ўртачамоляр ( $-38,84$  Ж/моль·К) энтропияси суюқ бензолни энтропиясидан анча паст бўлиб, бу бензолни нанокөмпозит ғовақларида тўхтаб қолган ҳолатда эканлигини билдиради.

Диссертациянинг бешинчи «Полисахарид-кремнезем гибрид нанокөмпозицион материалларнинг физик-кимёвий хоссалари» бобида нанокөмпозицияларни физик-кимёвий хоссалари тадқиқотига ИҚ, ТГ, ДТГ, ДТА, рентгенофазоли анализ, импульсли ЯМР, сканерловчи электрон ва атом-кучланишли микроскопия усуллари натижалари келтирилган.

Диссертациянинг бешинчи бобининг «Дицетатцеллюлоза-кремнезем гибрид нанокөмпозицион материалларнинг физик-кимёвий хоссалари» сарлавҳали биринчи бўлимида кремнеземнинг Si-OH ва Si-O-Si гуруҳлари ҳамда ДАЦнинг C-OH ва C-O-C гуруҳларининг ИҚ спектрларининг натижалари келтирилган, чунки уларни ИҚ спектри бир хил соҳада жойлашган. Карбонил C=O гуруҳнинг валент тебранишига ( $\nu_{C=O}$ ) оид  $1750\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш полосалари, ҳамда ацетатларнинг C-O гуруҳларининг валент тебранишларига ( $\nu_{C-O}$ ) характерли  $1235\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш полосаларининг интенсивликларидаги ўзгаришлар бўйича фарқларни кузатиш мумкин. Олинган намуналарнинг ИҚ спектрлари айнан шу соҳаларда фарқ қилади. Намуналарнинг барча ИҚ спектрларида ҳам  $1750\text{ см}^{-1}$ , ҳам  $1235\text{ см}^{-1}$  да ютилиш полосаларида интенсивликларнинг сезиларли камайиши кузатилади. Лимон кислота кўшиб олинган намуналарнинг ИҚ спектрларида  $1235\text{ см}^{-1}$  да ютилиш спектрлари йўқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу намуналарнинг ИҚ-спектрларида гидроксил гуруҳларга хос бўлган  $1378\text{ см}^{-1}$  соҳасида ютилиш полосалари

кузатилмайди. Сирка кислотали реакция аралашмалардан олинган гибрид ДАЦ-кремнезем наноккомпозит намуналарнинг ИҚ-спектрларида ютилиш полосалари юқорида кўрсатилган ацетатли эритмаларда олинган намуналар учун кўрсатилган айни соҳаларда кузатилади.

Бироқ, бу спектрларда эфир С-О гуруҳлар учун характерли  $\sim 1230 \text{ см}^{-1}$  даги ютилиш полосалари, ҳамда спирт гидроксил гуруҳларига оид  $\sim 1383 \text{ см}^{-1}$  даги ютилиш полосалари йўқолмайди.

Термик оксидланиш деструкциясини ўрганиш учун ДАЦ намуналари ва ДАЦ-кремнезем гибрид наноккомпозитларнинг термогравиметрик эгрлари олинди. Сирка кислотада олинган ДАЦ-кремнезем наноккомпозит намуналарнинг деструкциясининг бошланиш ҳарорати ДАЦ деструкциясининг бошланиш ҳароратига яқин жойлашган. Келтирилган маълумотлар кўрсатадики, ҳарорат максимумларда деструкциянинг энг юқори тезликларини «реакцион» сув ишлатилмасдан, яъни этанол қўшмасдан ТЭОС/ДАЦ/ГХЛ реакция аралашмаларидан синтез қилинган 1- ва 2-гибридлар намоён қилади. Улар ДАЦ деструкциясининг максимал тезлигига яқинлашади. Аммо 10/90 ва 20/80 гибридларнинг активланиш энергияларининг қийматлари ДАЦ учун бўлган қийматлардан мос равишда  $\sim 2,3$  ва  $1,9$  марта катта. Лимон кислота иштирокида синтез қилинган ДАЦ-кремнезем гибрид наноккомпозит намуналарнинг деструкциясининг максимал тезлиги нисбатан паст қийматларни кўрсатади. Келтирилган графиклардан кўринадикки, ДАЦ-кремнезем наноккомпозит намуналарнинг термик оксидланиш деструкциясининг тезлиги ДАЦнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, унинг миқдори ортиши билан деструкция тезлиги ортиб боради. Бу активланиш энергиясига ҳам таалуқли. Лекин лимон кислота иштирокида ҳар бир муайян ҳолатда активланиш энергияси камайишига мойиллик бор.

Шундай қилиб, дастлабки ТЭОС, ДАЦ ва турли хил қўшимчалар қўшиш билан ҳар хил моль нисбатларда золь-гель усулида синтез қилинган намуналарнинг термик оксидланиш деструкцияси тадқиқотининг натижалари шуни кўрсатдики, кинетик характеристикалар: термик оксидланиш деструкциясининг максимал тезлиги ва активланиш энергиясига ДАЦнинг дастлабки реакция аралашмалардаги миқдори ва қўшимча моддаларни иштироки таъсир кўрсатади.

Гибрид наноккомпозицион материалларнинг рентгенофазоли анализида иккита чуққи борлигини кўрсатди. Биринчиси  $4-13^\circ$  ва иккинчиси  $15-35^\circ$  да бўлиб, булар аморф материалларга хосдир. Намуналарда рентген нурларининг дифракцияси аморф материал ўз таркибида кремний диоксиди ва углерод сақлашидан далолат бериб, кремний полисахарид билан боғланган бўлиши мумкин. ДАЦ билан кремнезем таъсирлашганда кремнезем тўри кенгайди, ЛК қўшилганда эса ДАЦнинг конформацияси ўзгаради ва мос равишда қатламлар орасидаги масофа  $d$  ҳам мос равишда ўзгаради. Бу гибрид материал тузилишидаги ДАЦнинг кристаллиги қисман камайишидан, яъни ДАЦ макромолекулаларини кремнеземни гидролитик поликонденсацияси натижасида ҳосил бўлган нанозаррачалар билан таъсирлашувидан далолат беради. Кескин  $2\theta$  чуққи  $23^\circ$  кузатилади, бу чуққи аморф  $\text{SiO}_2$  га мос келади.


Полимерларнинг релаксацион хоссалари ҳар бир элементар қаватнинг структураси, алмашинган гуруҳларнинг тақсимланиши ва уни ўраб турувчи элементар звенолар, уларнинг ўзаро ва муҳит билан таъсирлашувининг характери каби қатор омиллар билан аниқланади. Импульсли ЯМР усулидан фойдаланилганда бирламчи ўлчанадиган катталиклар бўлиб спин-панжарали  $T_1$  ва спин-спинли  $T_2$  релаксациясининг вақтлари ҳисобланади.  $T_1$  қиймати модданинг локал майдонининг резонанс компонентининг интенсивлиги билан аниқланади, шунинг учун моддадаги магнитли ядронинг концентрацияси ва магнит моменти қанча юқори бўлса  $T_1$  нинг қиймати шунча кичик бўлади. Ўрганилган намуналарда спин-панжарали релаксациянинг вақти икки компонентга эга: секин (а) ва тез (б), қайсики, улар ўзаро икки тартибга фарқ қилиб, бу ДАЦ-кремнезем нанокомпозит системаси (компонентлар нисбати 50:50, 50:50+ЛК ва 70:30, 70:30+ЛК) учун протонларни экранлайдиган локал магнит моментлар билан боғлиқ. Экспериментал маълумотлардан кўринадики, ДАЦ-кремнеземнинг муайян намунасида иккита спин-панжарали релаксация мавжудлиги гидроксил ва ацетат гуруҳлардаги протонлар билан боғлиқ. Нанокомпозитлар ҳосил бўлишида гидроксил гуруҳ протонларининг релаксация вақти кескин ортиши локал майдоннинг магнитли ядроларининг концентрацияси билан боғлиқ. Ҳисоб-китоблар кўрсатдики, энергетик константанинг энг юқори қиймати компонентларнинг берилган нисбатларидаги ДАЦ-кремнезем намунасига оид бўлиши сувнинг нанокомпозицион материал билан энг кам таъсирлашуви билан боғлиқ бўлиб, бу сорбцион маълумотлар орқали топилган Гиббс энергияси, кичик манфий қийматларга эга бўлишини кўрсатди.

Брунауэр-Эммет-Теллер (БЭТ) назарияси бўйича олинган натижаларни импульсли ЯМР натижалари билан корреляциясига ойдинлик киритиш биз учун қизиқ бўлди. Энергетик константа конденсация, буғланиш коэффициентлари, адсорбция ва конденсация иссиқликлари билан боғлиқ. Энергетик константанинг физик маъноси молекуланинг биринчи ва кейинги қаватларда молекулаларнинг яшаш вақти билан боғлиқ. Изотерманинг кескин кўтарилиши молекулаларнинг қаватлардаги ўртача яшаш вақтидаги нисбатан катта фарқ билан боғлиқ. ЯМР натижалари спин-панжарали ва спин-спинли релаксация вақтининг нанокомпозицион материалларнинг микроструктура билан бевосита боғлиқлигини кўрсатадиган изотермик сорбция маълумотлари бўйича энергетик константа ҳисоб-китоблари билан мос келади.

Синтез қилинган нанокомпозицион материаллар кислота ва асосларда эримайдиган, ғовақларининг ўлчами 1 нм атрофидаги оқ рангли енгил кукундир. ДАЦ-кремнеземни структура ҳосил қилувчисиз ва ЛК иштирокида 50:50 нисбатидаги, намуналарини СЭМ да микросуратлари олинди. СЭМ да тасвирланган расмлардан кўриндики, ЛК иштирокида тузилиш анча катта солиштирма сиртга ва ғовақликка эга экан, бу сорбцион ва термодинамик тадқиқотлар натижаларини тасдиқлайди. Бунда ЛК иштирокида

нанокомпозицион материалларнинг анча силлиқ ва қатламли тузилиш кузатилади.

9-расмда органик қўшимча – ЛК атиги  $\sim 0,1$  моль микдорда қўшилиши натижасида шаклланидиган специфик структурали гибрид нанокомпозицион материаллар юзасининг атом кучланиш микроскопиясининг (АКМ) микросуратлари келтирилган. ЛКнинг ҳатто кичик қўшимчаси ҳам нанокомпозицион материалларда шаклланидиган микро- ва нанотузилишига катта таъсир кўрсатиши кўрсатилди.



9-расм. Гибрид нанокомпозицион материалларнинг АКМ микрофотографиялари: а) ДАЦ-кремнезем 50:50; б) ДАЦ-кремнезем 50:50+ЛК

Бу ҳолда органик қўшимча тузилиш ҳосил қилувчи, яъни тузилиш ҳосил бўлиши учун жавобгар темплат агент ҳисобланади. Олинган натижалар кўрсатдики, катта миқдорда  $-OH$  ва  $-COOH$  гуруҳларга эга бўладиган тармоқланган молекулалар анча самарали темплатлар эканлигини тасдиқлади.

Олинган натижалар кўрсатадики, 50:50 нисбатдаги ДАЦ-кремнезем гибрид наноконпозицион материаллар ҳосил бўлиши (9а-расм), 0,40-3,27 нм интервалда кузатилади.

Ўртача ўлчами 2 нм бўлган кристаллсимон наноконпозициялар намунанинг умумий миқдорининг 24% ини ташкил этади. АКМ натижалари кўрсатишича, наноконпозициялар бутун матрица бўйлаб бир текис тақсимланган. Юзанинг нотекислигидан шуни айтиш мумкинки, синтезнинг танланган шароитида бутун юза бўйлаб тор тақсимланишга эга полидисперс наноконпозициялар шаклланган.

